

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали кураш бўйича илгари сурилган аниқ таклифларни юқори баҳолаймиз

Халқаро жамоатчилик:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИНING ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ИЛГАРИ СУРИЛГАН АНИҚ ТАКЛИФЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 апрель куни видеосанжуман тарзида ўтказилган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги иштироки ва унда билдирган аниқ таклифлари хориз оммавий ахборот воситаларида қизгин кутиб олинди.



“Анадолу” ахборот агентлиги (Туркия) хабарига келтирилишича, бугунги кунда бутун дунёда катта таъвош ва хавотир ўйғотаётган коронавирус пандемиясига бағишланган олий даражадаги видео-мулоқот фавқулодда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Мулоқот мобайнида коронавирус пандемияси тарқалишига йўл қўймаслик бора-сида Кенгашга аъзо давлатларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди, касалликка қарши курашиш мақсадида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги кооперациянинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар билдирилди.

Туркиялик эксперт ва сибсатшунс Мурат Акан, ўз навбатида, COVID-19 вирус тарқалишининг оқибатларига қарши самарали курашда туркий-ислом дунёси қадриятларининг муҳимлиги яна бир бор яқол намоен бўлди, деб ҳисоблайди. “Бошқа мамлакатлар ўз муаммоларини ҳал қилишга берилиб кетган бир пайтда туркий тили давлатлар бир-бирларига ва бошқа мамлакатларга ёрдам кўрсатиб, ҳамжихатлик ва бир-

дамликни намоен қилмоқда. Туркий тили давлатларнинг коронавирус пандемияси билан ҳамкорликда курашишни янада кучайтириш тўғрисидаги қарори бўлиб ўтган саммитнинг муҳим натижаси бўлди”.

Ушбу фикрнинг исботи сифатида қароргоҳи Лондонда жойлашган “EU Today” тахлилий агентлиги хабарига Туркия Озарбайжонга вирусга қарши кураш учун дори-дармонлар ва тиббий анжомлар юборгани, Қозоғистон Қирғизистон фуқароларини Хитой ва Хиндистондан эвакуация қилишда ёрдам кўрсатгани, Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон эса Венгрияга тиббиёт воситалари жўнатгани қайд этилади.

“Sputnik” халқаро ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги иштироки чоғида мамлакатда коронавирусга қарши олиб борилаётган тизимли кураш тажрибаси, шу жумладан, карантин чоралари билан ўртоқлашди. “Айниқса, республика ҳудудларида карантин зоналари ва замона-



вий модуль касалхоналарини барпо этиш, уларда беморларни даволаш учун қўлланилаётган усуллар ҳақидаги ахборотлар онлайн-мулоқот иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ушбу оғир шароитда шифокорлар саломатлигини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар тақдим этилди”.

Агентлик муҳбирининг таъкидлашича, пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёт ва реал бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмларини йўлга қўйишнинг улдасидан чиқди. Дунё иқтисодиёти ўсиш суръатлари пасайиб бораётган бир даврда бу ниҳоятда муҳим ютқудир.

“ИнфоШОС” электрон портали Туркий Кенгаш саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали кураш бўйича қатор аниқ таклифларни юқори баҳолайди. Хусусан, шарҳловчиларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг Туркий Кенгаш доирасида эпидемиологик ҳолатни мониторинг, таҳлил қилиш ва унинг ривожланишини прогнозлаш бўйича доимий фаолият юритувчи тизим яратиш ҳақидаги ташаббуси бугунги шароитда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Зеро, бу орқали ташкилот маконидида эпидемио-

логик ҳолат бўйича комплекс тасаввурни шакллантириш мумкинки, натижада COVID-19га қарши ўзаро келишилган ва кўп қиррали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

“Красная весна” ахборот агентлиги (Россия) шарҳловчиси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркий Кенгашга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт муассасалари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифини алоҳида эътироф этади. Хавфли юқумли касал-

КРАСНАЯ ВЕСНА

ИНФОРМАЦИОННОЕ АГЕНТСТВО

ликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш соҳасида тажриба алмашиш, ўзоқ муддатли ва самарали илмий тадқиқотлар олиб бориш учун бундай ҳамкорлик сув ва хавода зарурдир. Россиялик журналистларнинг комил ишонч билдиришича, вирус тарқалиши туфайли деярли барча давлатлар ўз чегараларини ёпаётган шароитда Шавкат Мирзиёевнинг транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияларидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш, юк ташишда ва уларнинг соддаштирилган тартибда чегарадан ўтказилишида амалий кўмаклашиш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг транспорт ва зирлари раҳбарлигида ишни гуруҳ тузиш орқали юзага келаётган барча масалани тезкор ҳал қилиш бўйича билдирган таклифлари миллий иқтисодиётларга COVID-19 туфайли кутилаётган зарарни камайтириш имконини беради.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» тайёради.

«Халқ сўзи» газетаси № 76 14.04.2020